
Дизенфекция ишлари давом этмоқда

Туман санитария - эпидемиологик осойишталик маркази, туман фавқулодда вазиятлар бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси, туман аҳолини бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорликда туманимизда коронавирус инфекциясини тарқалиб кетишини олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот тадбирлари амалга оширилиб, туман аҳолисини карантин қоидаларига амал қилишга чақирилмоқда. Шу билан бир қаторда бугун туман ҳокими А.Джурабаев кўрсатмаси билан туман марказида, туман Деҳқон бозорида, марказий ва ички кўчаларда, маҳаллаларда кўп қаватли уйларда маҳсус транспорт ва ташкил этилган дезинфекцион бригадалар ёрдамида кучайтирилган дезинфекция тадбирлари амалга оширилди. Туман марказида дезинфекция ишларини олиб бораётган ишчиларга масъуллар томонидан тушунтиришлар бериб ўтилди.

2020-08-06 19:28:42